Biznes-Эксперт

№ 8, 2016

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МОЛИЯ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Стратегик бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъект молиявий оқимларини бошқаришдаги ўрни

17



ТЕМА НОМЕРА:

Система управления знаниями и инновациями как основа корпоративной сети принятия решений

104

ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИК

52 Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантириш истиқболлари

84 Хизматлар соҳасининг ривожланиши ва унинг сифатини ошириш жараёнлари

Глобализация мировой экономики и развитие банковской системы в Республике Узбекистан 109

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

Долзарб мавзу

Зиёд ҚУРБОНОВ, Рустамжон МУМИНОВ. Солиқ назоратини самарадорлигини ошириш масалалари 3

Назария ва амалиёт

Дониёр НАФАСОВ. Банк таваккалчиликларини бошқариш механизмлари ва уларни баҳолаш амалиёти 11

Тадқиқот

Эралижон ТУРДИЕВ.Стратегик бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъект молиявий оқимларини бошқаришдаги ўрни 17

Стратегия

Жасурбек АТАНИЯЗОВ. Интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш – миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили 27

Капитал

Ҳулкар ЗУННУНОВА, Диёра РЎЗИЕВА. Тижорат банклари фонд бозорининг фаол иштирокчиси 34

Нигоҳ

Дилшоджон РАҲМОНОВ. Европа Иттифоқи мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тенденциялари 38

Таҳлил

Нозима ПЎЛАТОВА. Ҳудудларда реал инвестициялар самарадорлигини таъминлаш омиллари 42

Ҳисоб-китоб

Феруза ЖУМАНИЁЗОВА. Енгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда тўлов қобилияти ва айланма маблағлар айланишининг роли 45

Бугуннинг тапи

Лола ИНАМОВА, Муҳаббат БЕГБУТОВА. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантириш истиқболлари 52

Нуқтаи назар

Умида РАХИМОВА. Ўзбекистонда олий таълим тизими ривожланишининг устувор йўналишлари 57

Бозор иқтисодиёти

Ғайрат АБИЛОВ, Нарзулло ОЧИЛОВ. Миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг минтақадаги тутган ўрни 60

Ижтимоий ҳаёт

Бердимурод БОЗОРОВ. Ҳудудларда бандликка кўмаклашиш марказларининг аҳолини иш билан таъминлашдаги роли 64

Кун мавзуси

Содиқ ҲУСЕНОВ. Инсон капитали шаклланиши ва ривожланишида мактабгача таълимнинг ўрни ва роли 68

Банк ва молия

Махфуза АТАНИЯЗОВА. Халқаро амалиётда пластик карточкалар бозори ва унинг замонавий ҳолати 72

Соҳа тараққиёти

Дилшод ЖУМАНАЗАРОВ, Адҳамбек ХАЛИМОВ. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда инвестицияларни жалб этишнинг долзарблиги 76

Хориж тажрибаси

Камолиддин ЖАББАРОВ. Глобал иқтисодий инқироз шароитида Хитой иқтисодиётининг ўсиш тенденциялари 79

Ислоҳот

Сурайжон ТАШНАЗАРОВ. Хизматлар соҳасининг ривожланиши ва унинг сифатини ошириш жараёнлари 84

Аграр соҳа

Нодира УЛУҒМУРОДОВА. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари 88

Инсон омили

Нодирабегим ДЖУМАНОВА. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари 92

ННТда

Ойбек НЕЪМАТОВ. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: муаммо ва ечимлар 96

Мезон

Феруза АБДИНАЗАРОВА. Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ишлаб чиқариш кооперацияни ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш модели 99

Содержание

Тема дня

Дилмурод АЗИМОВ. Система управления знаниями и инновациями как основа корпоративной сети принятия решений 104

Аналитика

Собир РАХМАНКУЛОВ. Глобализация мировой экономики и развитие банковской системы в Республике Узбекистан 109

ЭЛЕКТРОННЫЙ ВАРИАНТ

Удк: 330.14(575.1):373.2(575.1)

Инсон капитали шаклланиши ва ривожланишида мактабгача таълимнинг ўрни ва роли

Содиқ ҲУСЕНОВ,
катта илмий
ходим-изланувчи, СамИСИ.

Дунё тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, инсон капиталига йўналтирилган маблағлар бошқа омилларга нисбатан ўзини оқлайди. Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек "XXI аср – интеллектуал тафаккур асрида инсон капиталига инвестиция йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат шундай жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади[1].

Аннотация

Ушбу мақолада инсон капиталини илк шаклланиши ва ривожланишида мактабгача таълим хизматларини аҳамияти ўрганилган ва мактабгача таълимнинг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, узлуксиз таълим тизими асосида ишлаб чиқилган механизм ҳақида фикр юритилган.

В данной статье изучена важность услуг дошкольного образования в развитии и формировании человеческого капитала, а также дан анализ основных показателей дошкольного образования. Кроме того, разработан механизм на основе системы непрерывного образования.

This article analyzed the importance of preschool education services in the development and formation of human capital, as well as the the basic indicators of preschool education has been analyzed. Besides worked out mechanism based on a system of continuous education has been considered.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки биринчи навбатда, замонавий мунтазам янгиланиб турадиган технологияларни яратиш ва ўзлаштиришга қодир бўлган сифатли инсон капиталига боғлиқ бўлмоқда. Бундай сифатли инсон капиталисиз мамлакатда илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб биринчи Президентимиз томонидан таълим-тарбия ишларига жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг бошида биринчи Президентимиз И.А.Каримов 2016 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида шундай таъкидлайди: "2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилади. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия

Калит сўзлар: инсон капитали, билимлар иқтисодиёти, инсон капиталини шаклланиши, инсон капиталини ривожланиши.

соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди. Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Жорий йилда 13 та олий таълим муассасаси, жумладан, Қорақалпоғистон, Бухоро ва Самарқанд давлат университетлари, Фарғона политехника институтидаги қурилиш ва реконструкция ишларига 355 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Тошкент давлат стоматология институти бинолари, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиалларининг янги ўқув корпуслари қурилади" [2].

Инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асоси ва таркибий қисми ҳисобланмиш узлуксиз таълим тизимидаги мавжуд таълим хизматлари орқали самарали амалга оширилмоқда.

Биз ушбу мақолада "инсон капитали", "инсон капиталини шаклланиши", "инсон капиталини ривожланиши" тушунчаларига аълоҳида эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Инсон капитали тушунчаси бўйича хорижлик ва маҳаллий олимлар ҳам кўплаб тадқиқотлар, изланишлар олиб боришмоқда. Хусусан, инсон капитали ва уни шаклланиши билан боғлиқ илмий изланишларни россиялик иқтисодчи олим Р.И.Капелюшников олиб борган. Унинг таъкидлашича, инсон капитали деганда, инсонда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар захираси тушунилади. Унинг шаклланиши жисмоний ёки молиявий сармояни жамлаш сингари келгусида қўшимча даромад олиш мақсадида жорий истеъмолдан маблағларнинг ажратиб олишини талаб этади. Инсон инвестицияларнинг энг муҳим турларига таълим, ишлаб чиқаришдаги тайёргарлик, миграция, ахборот излаш, фарзанд кўриш ва уларни тарбиялаш ҳам киради[3].

"Инсон капиталини шаклланиши" тушунчаси кўп қиррали тушунча бўлиб, бу жуда мураккаб жараёнларни ўз ичига олади, яъни ҳали инсон капитали бўлишга улгурмаган индивиднинг дунёга келгунча бўлган оралиғини ҳам қамраб олиши мумкин. Бу даврда давлат кучли ижтимоий сиёсат юритиб оналарни ҳар томонлама ҳимоя қилади. Бунинг асосий сабаби дунёга келаётган ҳар бир гўдак, яъни бўлғуси инсон капитали биринчи ўринда соғлом бўлиши талаб этилади. Дунёга келган гўдакни мактабгача таълим муассасасига бориш ёшига етгунча оилада ота-онаси, қисман катта буваси, буваси томонидан унга бериладиган тарбия ҳам маълум даражада таълим хизматлари орқали амалга оширилади. Гўдакда инсон капиталини шаклланишида ота-онанинг билим даражаси, тажрибаси, кўникмаси муҳимдир. Дарҳақиқат, гўдакни ҳар томонлама яхши шаклланиши учун давлат унинг онасига таътил белгилайди ва етарли даражада молиявий таъминот билан қонуний кафолатлайди. Шунинг учун ҳам Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов томонларидан 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", 2010 йил "Баркамол авлод йили", 2014 йил "Соғлом бола йили", 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши бежизга эмас.

Ундан кейинги босқичларда гўдакда мактабгача



1-чизма. Узлуксиз таълим тизимидаги таълим хизматлари орқали инсон капиталини шаклланиши ва ривожланиши.

таълим хизматлари, умумий ўрта таълим хизматлар, мактабдан ташқари таълим хизматлар билан инсон капитали шакллантирилиб борилади (1-чизма).

"Инсон капиталини ривожланиши" тушунчаси инсондаги инсон капитали ташкил этган элементларни (билим, соғлиқ, тажриба, кўникма) бир-бирига боғлиқ ҳолда янада жонлантириш орқали ривожлантириш тушунилади. Инсон капиталини ривожлантириш уни шакллантиришга қараганда анча кенгроқ тушунча бўлиб ҳисобланади. Бунда инсон капиталини ривожлантириш комплекс тарзда инсоннинг ҳам ривожланишига олиб келади. Инсон капиталини ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланиши учун алоҳида аҳамият касб этади. Бу жаҳоннинг етакчи олимлари ва халқаро ташкилотларнинг экспертлари томонидан амалга оширилган жуда кўп тадқиқотларда ўз тасдиғини топган. Хусусан, инсонни ривожлантириш инсонларнинг соғлом ва узоқ, муносиб турмуш кечиришлари қолаверса зарур воситалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун ҳам инсон капитали ривожланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Инсон капиталини ривожланиш босқичи узлуксиз таълим тизимининг ўрта махсус касб-ҳунар таълим хизматлари, олий таълим хизматлари, олий ўқув юртидан кейинги таълим хизматлари, кадрлар малакасини ошириш билан боғлиқ таълим хизматлари орқали амалга оширилади.

Бизга маълумки, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош мақсади ва вазифаси ҳам мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ошириш ва аҳолини турмуш даражасини яхшилашдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги энг муҳим компонент узлуксиз таълим бўлиб, бу нафақат мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришнинг асоси ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи муҳим механизм ҳамдир. Ундан ташқари, узлуксиз таълим тизими инсон капиталини дастлаб шаклланиши ва ривожланишига ундаги таълим хизматлари орқали амалга оширилади.

Мактабгача таълим хизматлари асосан, оилада, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида кўрсатилади. Мактабгача таълим хизматларининг асосий мақсади дунёга келган болани соғлом бўлишига ва унга билим олишга интилишни пайдо қилиб, уни тизимли ўқишга тайёрлайди. Мактабгача таълим хизматлари орқали оилада ёки мактабгача таълим муассасасида инсон капитали илк бор шаклланa бошлайди. Айнан ушбу хизмат болани истеъдодини очиш, ижтимоий ҳаётга бўлган улкан қизиқишини пайдо қилишга хизмат қилади. Шунинг учун мамлакатда инсон капиталини шаклланишининг биринчи бўғини оилалар ёки мактабгача таълим муассасаларида берилган таълим хизмати сифатига боғлиқ бўлади.

Келтирилган ушбу жадвал маълумотларига эътибор бериб қарайдиган бўлсак, мактабгача таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларига бўлган эҳтиёж кундан кунга ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Мактабгача таълим муассасаларида болалар сони 2011 йилда 533,7 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2014 йил-

Мактабгача таълим муассасаларнинг асосий кўрсаткичлари[4]

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йил 2011 йилга нисбатан
Мактабгача таълим муассасалар сони	5221	5192	5162	5150	98,6
Шу жумладан:					
шаҳар жойларда	2962	3076	3087	3088	104,2
қишлоқ жойларда	2259	2116	2073	2062	91,2
Мактабгача таълим муассасаларида болалар сони, минг киши	533,7	549,8	575,8	620,8	116,3
Шу жумладан:					
шаҳар жойларда	367,4	394,1	418,7	449,8	122,4
қишлоқ жойларда	166,3	155,7	157,1	171,0	102,8
Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг жойлар билан таъминланганлиги (100 жойга тўғри келадиган бола)	78	81	85	88	112,8
Шу жумладан:					
шаҳар жойларда	82	85	91	94	114,6
қишлоқ жойларда	71	71	73	77	108,4

га келиб бу кўрсаткич 16,3 фоизга ошиб 620,8 минг болани ташкил этган.

Мактабгача таълим хизматини кўрсатувчи муассасаларни сони миқдор жиҳатдан камайиши маълум маънода сифат жиҳатдан анча яхшиланган. 2011 йилда ушбу муассасалар сони 5221 та бўлган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 1,4 фоизга камайган. Қишлоқ ва шаҳар кесими бўйича қарайдиган бўлсак, қишлоқларда камайишни, шаҳарда ушбу кўрсаткични 4,2 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин[4].

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг кўпайиб бораётганлигини сабаб, мамлакатимизда иқтисодиёт йилдан-йилга ривожланиб тараққий этиб бормоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлиги ошган сайин мактабгача бўлган таълим хизматларига талаб ошиб бормоқда. Бунинг энг муҳим сабабларидан бири жамиятимиздаги ҳар бир фуқаро ўзининг фуқаролик позициясидан келиб чиқиб, ҳар қандай иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий фаровонлик негизида инсоннинг билими муҳимлигини тушуниб англаб етмоқда.

Инсон капитали шаклланиши босқичида кўрсатиладиган таълим хизматлари сифати юқори даражада бўлиши лозим. Бунда айнан таълим хизматларини кўрсатувчи (оилада ота-она, мактабгача таълим муассасалари тарбиячи-педагоглар) кадрларни маълумотлилик даражаси, тажрибаси, малакаси улғайиб бораётган бола учун муҳим ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаларида 2014 йил йилда фаолият олиб бораётган педагог ходимлар 57,6 минг кишини ташкил этган. Уларни мутахассислиги ва маълумоти бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, мактабгача таълим муассаса мудирлари 2013 йилда 92,3 фоизи олий маълумотли бўлган бўлса, 2014 йилда келиб бу кўрсаткич 94,4 фоизни ташкил этган. Тугалланмаган олий маълумотлилар деярли йўқ. Ўрта-махсус педагоглар ҳам 2014 йилга келиб ўтган йилга қараганда 2 фоиз камайган. Бу албатта, олий маълумотлиларни кўпайиши эвазига содир бўлмоқда. Мактабгача таълим муассасаларни мутахассисларига эътибор берадиган бўлсак, энг катта салмоқни эгаллаб турган ходимлар бу тарбиячилардир. Ушбу касб эгаларини 87,3 фоизи ўрта махсус педагог маълумотга эга бўлиб 9,5 фоизи олий маълумотли тарбиячилар экан. Ўқитувчи логопедлар, ўқитувчи дефектологларнинг деярли 90 фоиздан ортиғи олий маълумотли мутахассислар эканлигини кўришимиз мумкин[4].

Мактабгача таълим хизматлари ўқув-тарбиявий жараён мазмун-моҳияти, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Асосий давлат дастури, Халқ таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган вариатив дастур асосида олиб борилади. Мактабгача таълим хизматлари молиялаштириш давлат ва оилалар томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилсак бўладики, ҳақиқатан ҳам ҳозирги кун талаби таълимни тубдан ўзгартириш, янгилаш, уни замонавий талаблар даражасида етказиш вазифасини қўймоқда. Таълим, хусусан, унинг таркибий қисми бўлган мактабгача таълим олдида янгидан-янги имкониятларни ишга солиш бу борадаги мавжуд муаммо ечимини топиш вазифаси турибди. Ушбу таҳлилий маълумотлар асосида яна шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, мамлакатимизда инсон капиталини шаклланиши ва ривожланиши учун энг муҳим бўлган илк босқич мактабгача таълим хизматларини сифатига боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам бола олий таълимда яхши ўзлаштиришга эришиши учун у умумий ўрта таълим ёки ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимини яхши ўзлаштирган бўлиши, унинг учун эса у мактабгача таълимни кучли ўзлаштириши лозим бўлади. Демак, биринчи ўринда инсон капитали шакллантириш билан боғлиқ таълим тизими ва унга хос таълим хизматларини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. И.А.Каримов. "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси. "Халқ сўзи" 2012 йил 22 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи" 2016 йил 16 январь.

3. Р.И.Капелюшников Теория человеческого капитала. http://ww/libertarium/ 10624/lib_article_t

4. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. 2015 йил.